



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EISSN 2181-2187

**4 (90) 2026**

**Сопредседатели редакционной  
коллекции:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:  
М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ  
Б.З. АБДУСАМАТОВ  
У.О. АБИДОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОИВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Д.Т. АШУРОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВА  
А.С. ИЛЪЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
М.Р. МИРЗОЕВА  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВ  
С.А. ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Ш.Т. САЛИМОВ  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Б.Б. ХАСАНОВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
Б.З. ХАМДАМОВ  
Э.Б. ХАККУЛОВ  
Г.С. ХОДЖИЕВА  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**4 (90)**

**2026**  
*апрель*

www.bsmi.uz  
https://newdaymedicine.com  
E: ndmuz@mail.ru  
Тел: +99890 8061882

УДК 616.12-008.331.1-057.56(575.1)

ЕНГИЛ, ЎРТА ОҒИР ВА ОҒИР АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯНИНГ ФЕРМЕРЛИК  
ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ АҲОЛИ ОРАСИДА ТАРҚАЛИШ  
ЖИҲАТЛАРИ

Нишонова Н.А. <https://orcid.org/0009-0005-6404-674X> e-mail: [Akramovnan90@gmail.com](mailto:Akramovnan90@gmail.com)

Андижон давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Андижон, Отабеков 1 Тел: (0-374) 223-94-60. E.mail: [info@adti.uz](mailto:info@adti.uz)

✓ Резюме

*Мазкур тадқиқотда фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳоли орасида енгил, ўрта озир ва озир даражадаги артериал гипертензиянинг тарқалиш хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқот Фарғона водийси ҳудудидagi 18–70 ёшли аҳоли иштирокида амалга оширилди. Эпидемиологик, клиник, биокимёвий ва инструментал текширув усуллари қўлланилди. Олинган натижаларга кўра, артериал гипертензиянинг енгил ва ўрта озир шакллари нисбатан кўпроқ учраши, озир шакли эса кам ҳолларда қайд этилиши аниқланди. Ижтимоий-оилавий омиллар, ёш ва жинсга боғлиқ фарқлар мавжудлиги исботланди. Фермер аҳолисида жисмоний фаолликнинг юқори даражаси касаллик тарқалишини камайтирувчи омил сифатида баҳоланди. Шунингдек, овқатланиш хусусиятлари ҳам муҳофаза қилувчи аҳамиятга эга экани қайд этилди. Тадқиқот натижалари профилактика чора-тадбирларини такомиллаштиришида муҳим аҳамиятга эга.*

*Калит сўзлар: артериал гипертензия, фермер аҳолиси, эпидемиология, ижтимоий омиллар, гипертония даражалари, профилактика, жисмоний фаоллик, қон босими, коморбидлик*

РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ ЛЕГКОЙ, УМЕРЕННОЙ И ТЯЖЕЛОЙ  
АРТЕРИАЛЬНОЙ ГИПЕРТЕНЗИИ СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ, ЗАНЯТОГО В СЕЛЬСКОМ  
ХОЗЯЙСТВЕ ФЕРМЕРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ

Нишонова Н.А. <https://orcid.org/0009-0005-6404-674X> e-mail: [Akramovnan90@gmail.com](mailto:Akramovnan90@gmail.com)

Андижанский государственный медицинский институт Узбекистон,  
Андижон, Ул. Атабеков 1 Тел:(0-374)223-94-60. E-mail: [info@adti.uz](mailto:info@adti.uz)

✓ Резюме

*В данном исследовании изучены особенности распространенности легкой, средней и тяжелой степеней артериальной гипертензии среди населения, занимающегося фермерской деятельностью. Исследование проведено среди лиц в возрасте 18–70 лет, проживающих в Ферганской долине. Применялись эпидемиологические, клинические, биохимические и инструментальные методы исследования. Полученные результаты показали, что легкие и среднетяжелые формы артериальной гипертензии встречаются чаще, тогда как тяжелая форма регистрируется значительно реже. Установлено влияние социально-семейных факторов, возраста и пола на распространенность заболевания. Высокий уровень физической активности у фермеров рассматривается как фактор, снижающий риск заболевания. Также отмечена защитная роль особенностей питания. Результаты исследования имеют важное значение для совершенствования профилактических мероприятий.*

*Ключевые слова. артериальная гипертензия, фермерское население, эпидемиология, социальные факторы, степени гипертензии, профилактика, физическая активность, артериальное давление, коморбидность*

# PREVALENCE OF MILD, MODERATE AND SEVERE ARTERIAL HYPERTENSION AMONG THE POPULATION ENGAGED IN AGRICULTURE AND FARMING ACTIVITIES

Nishonova N.A. <https://orcid.org/0009-0005-6404-674X> e-mail: [Akramovnan90@gmail.com](mailto:Akramovnan90@gmail.com)

Andijan State Medical Institute, 170100, Uzbekistan, Andijan, Atabekova st.1

Тел:(0-374)223-94-60. E-mail: [info@adti.uz](mailto:info@adti.uz)

## ✓ Resume

*This study investigates the prevalence patterns of mild, moderate, and severe arterial hypertension among the farming population. The research was conducted among individuals aged 18–70 years living in the Fergana Valley. Epidemiological, clinical, biochemical, and instrumental research methods were applied. The results showed that mild and moderate forms of arterial hypertension are more common, while severe forms are relatively rare. The influence of socio-family factors, age, and gender on disease prevalence was identified. A high level of physical activity among farmers is considered a protective factor reducing the risk of hypertension. In addition, dietary habits were found to have a preventive effect. The findings are important for improving preventive healthcare strategies.*

**Keywords.** *arterial hypertension, farming population, epidemiology, social factors, hypertension grades, prevention, physical activity, blood pressure, comorbidity.*

## Долзарблиги

Тавсия этилишича, жисмоний меҳнат бошқа хатар омилларига солиштирганда ноинфекцион касалликларга нисбатан «саногенлиги» тасдиқланади [1;2;3].

**Тадқиқот мақсади:** энгил, ўрта оғир ва оғир артериал гипертензиянинг фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳоли орасида тарқалиш жиҳатларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот объекти** сифатида Фарғона водийсининг Андижон вилояти Пахтаобод туманида фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи 2182 аҳоли (1069 эркаклар ва 1113 нафар  $\geq 18$ -70 ёшли аёллар) олинган.

Тадқиқот уч босқичда амалга оширилди: эпидемиологик тадқиқотга тайёргарлик (I босқич), тадқиқотни ўтказиш (II босқич) ва олинган натижаларни таҳлили (III босқич) сўровномали, биокимёвий ва инструментал текширув усуллари қўлланилди. АГни аниқлаш ва баҳолашда Россия (2020) ва Европа (ESC, 2018) кардиологлари жамиятларини тавсифлари мезон қилиб олинди. Фермерлар популяциясида хатар омилларини дислипидемия (ДЛП), алкоголь истеъмоли, кашандалик (сигарет ёки носвой чекиш), гипергликемия, трофологик статуснинг ўзгариши, гиподинамия, мева ва полиз маҳсулотларини кам истеъмол қилиш (МПКМКИК) ва коморбидликни ташхислаш ҳамда баҳолашда Россия тажрибаси (Countrywide integrated Noncommunicable Disease Intervention Programme - CINDI), Россия ва Европа кардиологлари илмий жамиятларининг (2018,2020) ҳамда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) (2020) тавсиялар қўлланилди. Олинган маълумотларга статистик ишлов беришда Epi Info, R Microsoft office дастурлар жамланмасининг 2021 дастуридан фойдаланилди.

## Натижа ва таҳлиллар

Шунинг учун энгил АГ (АБни 140–159 ва ДАни 90–99 мм.сим.уст. тенг бўлиши), ўрта оғир АГ (САБни 160–179 ва ДАБни 100–109 мм.сим.уст. га тенг даражалари) ва оғир АГнинг (САБни  $\geq 180$  ва ДАБни  $\geq 110$  мм.сим.уст. га тенг даражаси) фермерлик билан шуғулланувчи аҳоли орасида ушбу масалага маълум даражада ойдинлик киритишни кўзлаб, тарқалиш жиҳатлари ўрганилди ва баҳоланди.

Маълумотларидан маълум-ки, ижтимоий – оилавий таъсир 4,0% частотада энгил АГ фарк билан аниқланади. Энг кўп тарқалиш частотаси олий маълумотлиларда (12,2%); нисбатан кам аниқланиш частоталари эса – “ажрашган”ларда (6,8%), “беваларда” (7,7%), “турмуш курганларда” (6,3%) ва “ўрта маълумотлиларда” (5,0); энг паст тарқалиш (1,3%) турмуш курмаганларда тасдиқланади.

Эркак Фб ШП ва аёл Фб ШП да энгил АГнинг ушбу кўрсаткичлари қуйидагича аниқланиш частотаси билан тавсифланади: “олий маълумотли”ларда – 15,0 ва 5,6% ( $P<0,05$ ), “ўрта маълумотли”ларда – 4,6 ва 5,5% ( $P<0,05$ ), “турмуш қурмаганлар”да 2,1 ва 0,00%, “турмуш қурганлар”да – 7,9 ва 4,9% ( $p<0,05$ ), “ажрашганлар”да – 12,0 ва 2,9% ( $P=0,0875$ ) ва “бевалар”да – 14,3 ва 5,3% ( $P=0,021$ ).

Олинган бу натижалар энгил АГга қарши кураш чора – тадбирларини кучайтиришда ва назорат қилиш дастурларини ривожлантириш учун «курол восита» сифатида аҳамият касб этиши мумкин.

Маълумотларидан кўринадики,  $\geq 18$ –70 ёшли фермерлик билан шуғулланувчи аҳоли популяцияси АГнинг энгил тури (САГ) 5,6% тарқалиш частотаси билан қайд қилинади. Бошқа ёш гуруҳларида САГ қуйидагича аниқланиш частоталари билан кузатилади: 18–30 да – 3,0%, 31–49 да – 4,1%, 50–69 да – 10,7% ва 70 ёшдан ошганларда – 5,5%.

Эркакларда сезиларли юқори частотаси билан кузатилади ва ёшга боғлиқ ҳолда жами фермерлик билан шуғулланувчи аҳолида 2,6 баробарга ортиб бориш билан тасдиқланади. Бундан ташқари эътибор берилиши керак бўлган яна бир хулоса келиб чиқади: 30 ёшгача ва 70 ёшдан кейин энгил АГ кузатилган аёлларда эркакларга нисбатан – 3,7 ва 6,1 кўп частота билан тасдиқланади; бошқа ёш гуруҳларида эса эркакларда уни аниқлаш частотаси “устунлик” қилади.

Тадқиқ қилинган аҳоли популяциясида ўрта оғир АГнинг (ЎОАГ) оилавий – ижтимоий омилларга боғлиқ ҳолда эпидемиологик тафсилоти келтирилган. Улардан маълум-ки, ЎОАГга оилавий – ижтимоий омилларни негатив таъсири бор бўлиб, бу сезиларли даражада ифодаланади. Ушбу ХОга боғлиқ ҳолда ЎОАГнинг тарқалиш частотаси умумий популяцияда – 16,4%, аёлларда – 30,0% ва эркакларда – 10,7% тафовут билан аниқланади. Демак фақат оилавий – ижтимоий омилларга таъсир этиш билан энг камида 16,4% ЎОАГни фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳолида тўлиқ бартараф этиш мумкин бўлади.

ЎОАГнинг тарқалиш даражаси, 3.5 – жадвалда бу акс эттирилган, оилавий – ижтимоий омиллар таъсири билан 16,4% га (олий маълумотлиларда) ортади. Турмуш қурмаганларда – 0,0%, ўрта маълумотлиларда – 4,6 %, турмуш қурганларда – 6,9%, ажрашганларда – 1,7% ва беваларда – 3,8% тарқалиш частотаси билан ЎОАГ тавсифланади.

Эркак ва аёлларда мазкур омилларга боғлиқ ҳолда ЎОАГ тарқалиш частотаси хос хусусиятлар билан аниқланади: 10,7 ва 30,0 % (олий маълумотлиларда,  $P<0,05$ ), 4,2 ва 5,0% (ўрта маълумотлиларда;  $P<0,05$ ), 0,0 ва 0,0% (турмуш қурмаганларда), 6,9 ва 6,9% (турмуш қурганларда), 4,0 ва 0,0 % (ажрашганларда), 0,0 ва 5,3% (беваларда;  $P<0,05$ ).

**АГнинг 2 – даражаси**, яъни ўрта оғир артериал гипертензия фермерлик иши билан шуғулланувчи  $\geq 18$ –70 ёшли аҳоли орасида 6,2% тарқалиш частотаси билан аниқланади. Ёшга боғлиқ ҳолда 3,4% (18–30 ёшлиларда) 16,4 %, яъни 5,2 мартадан ортиқ ортиши билан тасдиқланади. 31–49 ёшда – 6,1%, 50 – 69 ёшда – 7,7% ва  $\geq 0$  ёшда – 16,4% тарқалиш частотаси билан тавсифланади [ $RR=0,98$ ;  $CI - Iow = 0,69$ ;  $CI - up = 1,39$ ;  $Chi^2=0,01$ ;  $P=0,911$ ].

Турли ёш гуруҳларига мансуб эркак ва аёлларда ЎОАГ аниқланиш частотаси қуйидагича кўрсаткичлар билан тавсифланади: 18 – 30 ёшлиларда – 1,7 ва 5,5% ( $P<0,05$ ), 31–49 да – 5,1 ва 7,3% ( $P<0,05$ ), 50–69 да – 13,9 ва 4,2% ( $P<0,05$ ) ва  $\geq 70$  ёшдагиларда – 12,1 ва 22,7% ( $P=0,056$ ). ЕАГга қараганда 1,0%дан ортиқроқ кўп тарқалиш частотаси билан ЎОАГ кузатилиши маълум бўлди.

Текширилган аҳоли гуруҳида АГнинг 3 – даражасини, яъни оғир гуруҳида АГ (ОАГ) кескин кам частоталарда тарқалиш билан тавсифланиши маълум бўлди. Тасдиқланишича, оилавий – ижтимоий ва гендер омилларга боғлиқ ҳолда фермерлик билан шуғулланувчи аҳоли популяциясида ОАГ жуда кам тарқалиш частотаси билан қуйидагича кузатилади: олий маълумотлиларда – 1,6 % (эркакларда – 1,4% ва аёлларда – 2,2%; ( $P<0,05$ ), ўрта маълумотлиларда – 0,5%, турмуш қурмаганларда 1,3%, турмуш қурганларда – 0,7%, ажрашганларда – 0,0% ва беваларда ҳам 0,0%).

Ёшга боғлиқ ҳолда ОАГ текширилган аҳоли популяциясида аниқланиш частотаси таҳлил қилинди ва бунда у энг юқори частота билан (1,3%) 50–69 ёшлиларда кузатилиши маълум бўлди. Жами  $\geq 18$ –70 ёшлиларда – 0,7%дан ошмасдан аниқланиш частотаси билан ифодаланади (18–30 ёшда – 0,5%, 31 – 49 да – 0,5% ва  $\geq 70$  ёшда – 0,0%). Турли ёшдаги фермерлик билан

шуғулланувчи эркак ва аёлларда ОАГ тафовут билан, лекин жуда кам частоталарда тарқалиш билан кузатилади: 18 – 30 да – 0,8 ва 0,0%, 31–49 да – 0,8 ва 0,2% ( $P<0,05$ ), 50–69 да – 2,1 ва 0,8% ( $P<0,05$ ) ва  $\geq 70$  ёшда – 0,0 ва 0,0%.

Умуман, тасдиқланишича, фермерлик билан шуғулланувчи аҳоли популяциясида артериал гипертония кам тарқалиш частотаси билан ифодаланади ва унинг оғир тури – 1,0% (эркакларда) ва 0,4%(аёлларда) ошмасдан тасдиқланади. Ўйлаймиз-ки, бундай ҳолат аҳолининг жисмоний фаоллигини юқорилиги билан изоҳланиши мумкин.

Иккинчидан, овқатланиш тарзининг бу аҳолида ўзига хослиги (мева – сабзавот, сут – қатик маҳсулотларини нисбатан кўпроқ истеъмол қилиниши) уларни АГдан сақловчи омил бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳоли орасида Изоляцияланган (яккаланган) систолик артериал гипертензия (ИСАГ)нинг ижтимоий – оилавий хатар омилларига боғлиқ ҳолда аниқланиш частотасини баҳолашга қаратилган таҳлил натижалари рақамли келтирилган. Ушбу популяцияда ИСАГ ижтимоий – оилавий хатар омилларига боғлиқ ҳолда 9,2% кўпайиб аниқланади. Унинг аниқланиш частотаси Фб ШП ҳолатидан келиб чиқиб, қуйидагича тафовут билан аниқланади: олий маълумотлиларда – 3,3%, ўрта маълумотлиларда –2,6%, турмуш қурмаганларда – 12,8%, турмуш қурганларда – 1,8%, ажрашганларда – 1,7% (эркакларда – 0,0% ва аёлларда – 2,9 %;  $P=0,4$ ), беваларда – 7,7%.

Биринчилардан бўлиб Ўзбекистон шароитида ва  $\geq 18$ –70 ёшли фермерлар популяциясида тасдиқлаб берилди-ки, ИСАГ 2,7 % тарқалиш частотаси билан кузатилади. Ёшга боғлиқ ҳолда 7,5% аниқланиш частотаси кўп тасдиқланади. 18–30 ёшлиларда – 1,6%, 31–49 да – 3,1%, 50–69 да – 2,0% ва 70 ёшдан кейин – 9,1% тарқалиш частоталари билан қайд қилинади.

Эркак ва аёлларда ИСАГ тарқалиш частотаси 70 ёшдан кейин тафовутланади, аёлларда унинг аниқланиш частотаси икки баробар ортиши кузатилади. Бошқа ёш гуруҳларида эса ИСАГнинг аниқлаш частотаси, эркак ва аёлларда, қуйидагича кўрсаткичлар билан тасдиқланади: 18–30 да – 1,7 ва 1,5% ( $P<0,05$ ), 31 – 49 да – 3,1 ва 3,0% ( $P<0,05$ ), 50–69 да – 2,6 ва 1,7% ( $P<0,05$ ),  $\geq 70$  ёшда – 6,1 ва 13,6% ( $P=0,053$ ).

### Хулоса

Хулоса тарзида, шуни таъкидлаш керак-ки, артериал гипертензия ва унинг барча турлари фермерлик билан шуғулланувчи аҳолида кам фоизли кўрсаткичлар билан аниқландиган бўлса ҳам, профилактик тиббиётнинг “кўринмас” объекти бўлиб қолиши керак эмас. Эпидемиологик таҳлил қилиб бориш унинг учун самарали ва фойдали бўлиши шубҳасиз.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Кашутина МИ, Концевая АВ. Осведомленность об уровне артериального давления и его контроль в популяции: роль контактов населения с системой здравоохранения. Профилактическая медицина. 2021;24(5):126-131.
2. Оганов РГ, Масленникова ГЯ. Смертность от сердечно-сосудистых и других хронических неинфекционных заболеваний среди трудоспособного населения России. Кардиоваскулярная терапия и профилактика. 2002;1(3):6-7.
3. Шальнова СА, Конради АО, Баланова НА, Деев АД, и др. Какие факторы влияют на контроль артериальной гипертонии в России. Кардиоваскулярная терапия и профилактика. 2018;17(4):54-59. DOI: 10.15829/1728-8800-2018-4-54-59.

Қабул қилинган сана 20.03.2026